

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ МАРКАЗИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ ЖАМҒАРМАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ  
УМУМБАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

мавзусидаги III анъанавий халқаро илмий конференция

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

*(2019 йил 4-6 февраль, Ўзбекистон, Навоий ш.)*

THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN KHOKIMIYAT OF NAVOI REGION  
REPUBLIC CENTER OF SPIRITUALITY AND ENLIGHTMENT  
ALISHER NAVOI FOUNDATION  
NAVOI STATE PEDAGOGICAL INSTITUTE  
THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION  
THE SCIENCE ACADEMY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
THE INSTITUTE OF THE UZBEK LANGUAGE, LITERATURE AND FOLKLORE

**MATERIALS**

of the II-tradational international scientific conference on the theme

**THE SIGNIFICANCE OF THE CREATIVE INHERITANCE  
OF ALISHER NAVOI IN THE SPIRITUAL AND EDUCATIONAL  
DEVELOPMENT OF THE HUMANKIND**

*(February 4-6, 2019, Navoi, Uzbekistan)*

ХОКИМИЯТ НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ЦЕНТР ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА  
ФОНД АЛИШЕРА НАВОИ

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНОГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ  
ИНСТИТУТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА АКАДЕМИИ  
НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**МАТЕРИАЛЫ**

II традиционной международной научно-практической конференции на тему

**МЕСТО ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ  
В РАЗВИТИИ ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ  
ЧЕЛОВЕЧЕСТВО**

*(4-6 февраля 2019 г., Навои, Узбекистан)*



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«ФАН» нашриёти давлат корхонаси

Тошкент—2019



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ МАРКАЗИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ ЖАМҒАРМАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ  
УМУМБАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

мавзусидаги III анъанавий халқаро илмий конференция

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

*(2019 йил 4-6 февраль, Ўзбекистон, Навоий ш.)*

THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN KHOKIMIYAT OF NAVOI REGION  
REPUBLIC CENTER OF SPIRITUALITY AND ENLIGHTMENT  
ALISHER NAVOI FOUNDATION  
NAVOI STATE PEDAGOGICAL INSTITUTE  
THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION  
THE SCIENCE ACADEMY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
THE INSTITUTE OF THE UZBEK LANGUAGE, LITERATURE AND FOLKLORE

**MATERIALS**

of the II-tradational international scientific conference on the theme

**THE SIGNIFICANCE OF THE CREATIVE INHERITANCE  
OF ALISHER NAVOI IN THE SPIRITUAL AND EDUCATIONAL  
DEVELOPMENT OF THE HUMANKIND**

*(February 4-6, 2019, Navoi, Uzbekistan)*

ХОКИМИЯТ НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ЦЕНТР ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА  
ФОНД АЛИШЕРА НАВОИ  
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ  
ИНСТИТУТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА АКАДЕМИИ  
НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**МАТЕРИАЛЫ**

II традиционной международной научно-практической конференции на тему  
**МЕСТО ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ  
В РАЗВИТИИ ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ  
ЧЕЛОВЕЧЕСТВО**

*(4-6 февраля 2019 г., Навои, Узбекистан)*



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«ФАН» нашриёти давлат корхонаси

Тошкент—2019



## III АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ

К. Турсунов  
Қ. Санакулов  
У. Раззоков

Ф. Солиев  
У. Сатторов  
Б. Данияров  
Я. Душанов  
У. Сафаров

З. Жумаев

Навоий вилоят ҳокими, раис  
НКМК бош директори, НДКИ ректори, раис муовини  
Навоий вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари,  
раис муовини  
Навоий вилоят ҳокимининг ўринбосари, раис муовини  
Алишер Навоий жамғармаси раиси, аъзо  
Навоий давлат педагогика институти ректори, аъзо  
Навоий вилоят ҳокимлиги котибият мудири, аъзо  
Республика Маънавият-маърифат маркази Навоий вилояти бў-  
лими рахбари, аъзо  
НавДПИ Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, аъзо

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр Назаров  
Тўра Мирзаев  
Низомиддин Махмудов

Абулхамид Холмуродов  
Нигора Муродова  
Содик Хўжжиев  
Тохир Хўжаев  
Ботир Зарипов

Академик  
Академик  
ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институти директори  
НавДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси профессори  
НавДПИ Ўзбек тили кафедраси профессори  
НавДПИ илмий ишлар бўйича проректор  
НавДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти  
НавДПИ Ўзбек тили кафедраси доценти

### МАСЪУЛ МУҲАРРИЛАР

Иброҳим Ҳақкул

Эргаш Очиллов

Рано Юсупова

Хусниддин Суёнов

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институти профессори  
ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институти катта илмий ходими  
НавДПИ Ўзбек тили кафедраси мудири  
НавДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси мудири

### ТАКРИЗЧИЛАР

Муслихиддин Мухиддинов  
Маматкул Жўраев

Нафас Шодмонов  
Гулчехра Болтаева

Самарқанд давлат университети профессори  
ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти  
профессори  
Қарши давлат университети профессори  
Навоий давлат педагогика институти ўзбек тили  
кафедраси доценти



## НАВОИЙ ВА МУҲСИНИЙ

Ф. Тўхтамуратов

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти

университети ўқитувчиси

E-mail: [t.furqat@mail.ru](mailto:t.furqat@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндаларидан соҳиби девон шоир Ҳусайнкули Муҳсиний ижодида Алишер Навоий анъаналарининг муносиб давом эттирилгани ҳақида сўз болади. Шоирнинг Навоий ғазалига татаббуъ тарзида ёзилган “Келмади” радифли ғазали таҳлил этилиб, зарур умумлашмалар чиқарилади.

**Калит сўзлар:** татаббуъ, анъана, образ, радиф, таҳлил.

Алишер Навоий ижоди ўзбек шеърятининг юксак чўққиси экани аён. Буюк шоир анъаналари унинг замондошлари ва мумтоз адабиётимизнинг кейинги давр намояндалари томонидан изчил давом эттирилиши ана шу ижодий чўққига интилиш самараси сифатида баҳоланишга лойик. Бу интилиш Навоий шеърларига татаббуъ битиш, тахмислар боғлаш, улуғ мутафаккир ғазалиётидаги образ ва ифода усулларини ўзлаштириш ҳамда янгилаш тарзида намоеён бўлгани кузатилади.

Навоий анъаналарини миллий уйғониш даври адабиётида муносиб давом эттиришга ҳаракат қилган шоирлардан бири Ҳусайнкули Сулаймонкули ўғли Муҳсиний (1860-1917) бўлган. Шоирнинг лирик асарлари жамланган “Барҳаёт гулшан” девонидаги “Ҳам”, “Йўк”, “Бўлмасун”, “Келмади” радифли ғазалларида Навоий шеърятига эргашиш, буюк устоз санъатхонасидан сабоқ олиш тамойили сезилади. Муҳсинийнинг “Келмади” радифли ғазали Навоийнинг “Муножот” куйига солинган машҳур ғазалига татаббуъ сифатида ёзилган. Навоийшунос Ёқубжон Исоқов “Бирор шеърнинг услуби (вазни, радифи, қофиялари ва баъзи характерли санъатлари)ни сақлаган ҳолда унга жавоб қилмоқ” [2.224] эканини таъкидлайди. Муҳсинийнинг ушбу ғазали татаббуга кўйилган ана шу талабларга тўлиқ жавоб бериши шоирнинг буюк салафига муносиб издош эканини кўрсатади.

Навоий “Келмади” радифли ғазали ишқий-тасаввуфий йўлда битилган бўлса, Муҳсиний ғазалида дунёвий муҳаббат тараннум этилган. Мана, шоир ғазалининг тўлиқ матни:

Кеча ялғон ваъда айлаб ул парирў келмади,



Ох, ул зolim жафоси-ла, дили андух ила,  
Шоми ғам кунжида бир оғзимға кулгу келмади.  
Май ичиб саргарам, харгиз кўзга қилмайдур писанд,  
Доимо кори тағофил, ёри бадхў келмади.  
Лабларингни фикрида таъбимни хушнуд айладим,  
Чунки масти завкида кунглумга кайғу келмади.  
Хаставу бемор килди, зору ахволим хароб,  
Ул кўзи наргис, малаксиймо парирў келмади.  
Охким заъфи ғамидин коматим ўлди низор,  
Қилмоққа жоним муаттар ул суманбў келмади.  
Назм аро килди нихон номинг хуруфин Мухсиний,  
Харфи исминг ичра номи ғайр камту келмади [1.89-90].

Навоий ғазали ҳажми етти байт бўлиб, гулрў, уйку, бадхў, коронғу, кулгу, су(в), ўтру, кайғу сўзлари ўзаро кофияланиб келган. Мухсиний ғазали ҳам ҳажман шунча – етти байтдан иборат. У кофияларни имкон қадар янгилашга ҳаракат қилган. Татаббуъ-ғазалда Навоий шеъридаги уйку, кулгу, бадхў, кайғу кофиядош сўзлари такрорланган бўлса, парирў, суманбў, камту кофиялари Мухсиний томонидан ижод этилгани кузатилади. Ушбу татаббуъ-ғазал мувашшаҳ шаклида ёзилган. Маълумки, мувашшаҳ-ғазалларда киши исми икки хил усул билан ҳосил бўлади: 1) ғазал байтларидаги тоқ мисраларнинг биринчи ҳарфлари олинади; 2) ғазалдаги кофиядош мисраларнинг биринчи ҳарфлари олинади. Ушбу ғазал мувашшаҳнинг биринчи турига мансуб бўлиб, тоқ мисралари ҳарфлари жамланса, Комилахон исми ҳосил бўлади. Мақсуд Шайхзода: "...мувашшаҳ кимнинг номига боғланган бўлса, ўша ғазалда таърифланган образ ҳам айнан мазкур кишининг ўзидир, деб ўйлаш хатодир. Мувашшаҳдаги исм бу ғазалнинг кимга бағишланганига далолат қилади, холос. Асарда тасвирланган ёр бус-бутун бошқа бир киши бўлиши мумкин" [4. 92], – деб ёзган эди. Шунга кўра, гарчи бу ғазал Комилахон исмига мувашшаҳ қилинган бўлса ҳам, уни шоирнинг маҳбубаси деб хулоса қилиш тўғри эмас. Бирок унинг шахсини аниқлаш шоир биографиясига аниқлик киритиши мумкинлигини эътироф этмоқ зарур бўлар эди.

Икки шоир ғазалларидаги ошиқ ва маъшуқа образлари қиёси Мухсинийда бу анъанавий образларни янгилашга интилиш бўлганини кўрсатади. Профессор Нурбой Жабборовнинг фикрича, "Образда янгилик қилиш шаклдагига қараганда анча мураккаб. Лекин шеъриятнинг чин маънода юксалиши ана шу поэтик ҳодисага кўпроқ боғлиқ" [3. 33]. Мухсиний ғазалидаги ошиқ ва маъшуқа образлари Навоийдагидан кўра дунёвийроқ характер касб этиши ҳам буни тасдиқлайди.

Мухсинийнинг татаббуъ тарзида ёзган ғазали матлаъсининг вазн кўр-



Фикри васли бирла токим кўзга уйку келмади.  
 Ох, ул золим жафоси-ла, дили андух ила,  
 Шомн ғам кунжида бир оғзимга кулгу келмади.  
 Май ичиб саргарам, ҳаргиз кўзга қилмайдур писанд,  
 Доимо кори тағофил, ёри бадхў келмади.  
 Лабларингни фикрида таъбимни хушнуд айладим,  
 Чунки масти завқида кунглумга қайғу келмади.  
 Хаставу бемор қилди, зору аҳволим хароб,  
 Ул кўзи наргис, малаксиймо парирў келмади.  
 Оҳким заъфи ғамидин коматим ўлди низор,  
 Қилмоққа жоним муаттар ул суманбў келмади.  
 Назм аро қилди ниҳон номинг хуруфин Мухсиний,  
 Ҳарфи исминг ичра номи ғайр қамту келмади [1.89-90].

Навоий ғазали ҳажми етти байт бўлиб, гулрў, уйку, бадхў, қоронғу, кулгу, су(в), ўтру, қайғу сўзлари ўзаро қофияланиб келган. Мухсиний ғазали ҳам ҳажман шунча – етти байтдан иборат. У қофияларни имкон қадар янгилашга ҳаракат қилган. Татаббуъ-ғазалда Навоий шеъридаги уйку, кулгу, бадхў, қайғу қофиядош сўзлари такрорланган бўлса, парирў, суманбў, қамту қофиялари Мухсиний томонидан ижод этилгани кузатилади. Ушбу татаббуъ-ғазал мувашшаҳ шаклида ёзилган. Маълумки, мувашшаҳ-ғазалларда киши исми икки хил усул билан ҳосил бўлади: 1) ғазал байтларидаги тоқ мисраларнинг биринчи ҳарфлари олинади; 2) ғазалдаги қофиядош мисраларнинг биринчи ҳарфлари олинади. Ушбу ғазал мувашшаҳнинг биринчи турига мансуб бўлиб, тоқ мисралари ҳарфлари жамланса, Комилахон исми ҳосил бўлади. Мақсуд Шайхзода: "...мувашшаҳ кимнинг номига боғланган бўлса, ўша ғазалда таърифланган образ ҳам айнан мазкур кишининг ўзидир, деб ўйлаш хатодир. Мувашшаҳдаги исм бу ғазалнинг кимга бағишланганига далолат қилади, холос. Асарда тасвирланган ёр бус-бутун бошқа бир киши бўлиши мумкин" [4. 92], – деб ёзган эди. Шунга кўра, гарчи бу ғазал Комилахон исмига мувашшаҳ қилинган бўлса ҳам, уни шоирнинг маҳбубаси деб хулоса қилиш тўғри эмас. Бироқ унинг шахсини аниқлаш шоир биографиясига аниқлик киритиши мумкинлигини эътироф этмоқ зарур бўлар эди.

Икки шоир ғазалларидаги ошиқ ва маъшуқа образлари қиёси Мухсинийда бу анъанавий образларни янгилашга интилиш бўлганини кўрсатади. Профессор Нурбой Жабборовнинг фикрича, "Образда янгилик қилиш шаклдагига қараганда анча мураккаб. Лекин шеъриятнинг чин маънода юксалиши ана шу поэтик ходисага кўпроқ боғлиқ" [3. 33]. Мухсиний ғазалидаги ошиқ ва маъшуқа образлари Навоийдагидан кўра дунёвийроқ характер касб этиши ҳам буни тасдиқлайди.

Мухсинийнинг татаббуъ тарзида ёзган ғазали матлаъсининг вазн кўр-



саткичлари бўйича руқнларга ажратилган чизмаси қуйидагича:

Ке-ча ял-ғон | ваъ-да ай-лаб | ул па-ри-рў | кел-ма-ди,  
- v - - | - v - - | - v - - | - v - -  
Фик-ри вас-ли | бир-ла то-ким | кўз-га уй-қу | кел-ма-ди.  
- v - - | - v - - | - v - - | - v - -

Ушбу чизмадан англашиладики, ғазал Навоийнинг “Келмади” радиф-ли ғазали ёзилган вазн – рамали мусаммани маҳзуфда битилган.

Мухсиний буюк салафи Алишер Навоий ижодига ҳавас билан қараган, унинг асарларидан баҳраманд бўлиб, шоир ғазалларига татаббулар битиш билангина чекланмади. Балки Навоий дostonлари қаҳрамонлари Фарход ва Мажнун образларини ғазалларида талмеҳ сифатида кўп қўлаш орқали ҳам ўзининг издош эканини кўрсатди. Қуйидаги байт шундан далолат беради:

Тоғ йўнар Фарход, Мажнун – дашту саҳро гарди ул,  
Лек мендек кўйи ишқида алар девона йўқ.

Бу ўринда Мухсиний ҳазрат Навоий анъаналарининг шунчаки давомчиси эмас, ижодда ўзига хосликка интилган шоир сифатида намоён бўлади. Шоир талқинича, қалбидаги муҳаббат шу қадар кучлики, бу йўлда тоғ йўнган Фарход, дашту саҳронинг гардига айланган Мажнун ҳам ишқ кўйида унга тенглаша олмайди. Негаки, ишқ тимсоли бўлган бу икки қаҳрамон ҳам шоир лирик қаҳрамоничалик ошиқи девона эмас. Мухсиний лирикасида талмеҳ санъати кенг қўлланган бўлиб, бу борада ҳам Алишер Навоий ижодхонасининг таъсири сезилиб туради.

Умуман, Мухсиний шеъриятида Алишер Навоий анъаналари муносиб давом эттирилган. Юқоридаги таҳлиллар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Лекин бу издошлик фақат татаббулар битиш, буюк салафи дostonларининг машҳур қаҳрамонлари номини талмеҳ сифатида қўллаш тарзидагина намоён бўлган эмас. Мухсинийнинг шеъриятда Навоийга издошлиги бошқа кўплаб поэтик кўринишларда бўлганки, улар ҳақида изчил тадқиқотлар олиб бориш галдаги вазифалардандир.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мухсиний. Барҳаёт гулшан. – Ф.: Фарғона. 2008.
2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006.
3. Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.
4. Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Бешинчи том. –Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.